

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 215 (10.520)

2005 ЙИЛ 1 НОЯБРЬ



**БУГУНГИ ТОШКЕНТ  
БОЗОРЛАРИ  
МАЗМУН-МОҲИЯТИ  
ВА ЗАМОНАВИЙЛИГИ  
ЖИҲАТИДАН  
РИВОЖЛАНГАН  
МАМЛАКАТЛАРДАГИ  
БОЗОРЛАРДАН  
ҚОЛИШМАЙДИ**



## БОЗОРЛАРИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Мустақиллик йилларида азим пойтахтимиз гоёта яшариб ва яшнаб кетди. Бу ерда катта бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Кўплаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, турар-жой бинолари, маданий-маиший объектлар, лицей ва коллежлар, мактаблар, болалар учун спорт масканлари ишга туширилди. Янги йўللар ва кўприклар қурилди. Майдонлар ва хибонлар, истироҳат боғлари тубдан реконструкция қилинди ва бу эзгу ишлар давом этмоқда.

Шарқона ва замонавий меъморчилик ютуқларини уйғунлаштирган муаззам ва бетакрор ин-

шоотлар қатори тобора гўзал, обод ва маъмур бўлиб бораётган бозорларимиз Тошкент кўрғига кўрк қўшиш баробарида, пойтахт ахли ва меҳмонлари учун янги қулайликлар яратиб, дилларга қувонч бағишлаётди.

«Ўзга юртга йўлинг тушса, аввал унинг бозорларини бориб кўр», деган нақл бежиз айтилмаган. Унинг замирида катта ҳикмат бор. Зеро, халқнинг турмуш тарзи, фаровонлиги, қолаверса, мада-



нияти ва маънавияти айнан бозорда ўз тажассумини топади.

Давоми 2-бетда.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ 2005 ЙИЛ 6 НОЯБРЬ ЯКШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2005 ЙИЛ 4 НОЯБРЬ ЖУМАГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2005 йил 6 ноябрь якшанба дам олиш кунини 2005 йил 4 ноябрь жумага кўчирилсин.

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 31 октябрь



## Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириликда ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш, ўқув жараёнини такомиллаштиришга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

● Фарғона шаҳридаги ҳарбий қисмда сафарбарлик чақирuvi резерви хизматида жалб этилган аскарлар қасамёд қабул қилди.

● «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси «Андижонтелеком» вилоят бўлимининг Андижон шаҳар телекоммуникация тармоғи мутахассислари шаҳар телефон алоқасини янада яхшилаш имконини берадиган учта янги рақамли АТСни монтаж қилиш ишларини якунламоқда.

● Бекобод туманидаги «Далварзинтаъмир» очик акциядорлик жамиятида тайёрланган махсулотлар тури яна биттага кўпайди. Бу ерда Россия технологияси асосида турли ҳажмдаги резина шланглар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● Зомин туманида қишлоқ ҳўжалиги коллежининг янги бизнес фойдаланишга топширилди. 50 ўрилли ётоқхона, ошхона, спорт зали ва майдонига эга бўлган янги бинода ўқувчилар учун барча қулайликлар мавжуд.

● Андижондаги Рус маданий-маърифий маркази хузуридagi «Томчи» адабий тўғарак иштирокчиларининг биринчи шеърй тўплами нашрдан чиқди.

## Жаҳонда

● Ҳиндистон ва Покистон ҳукуматлари Кашмирда бешта ўтказиш пунктини очмишга келишиб олдилар. Бу зилзила оқибатларини баргафат этишда ёрдам беради.

● Германиянинг Дрезден шаҳридаги 1744 йилда бунёд этилган, иккинчи жаҳон урушида бутунлай вайрон қилингани ҳолда қайта тикланган Фрау Кирхе ибодатхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда мамлакат Президенти, федерал канцлери ва бошқа расмий кишилар ҳам иштирок этишди.

● Франциянинг Тулуза шаҳридан Германиянинг Франкфурт шаҳри томон янги замонавий «А-380» аэробуси муваффақиятли снов парвозини амалга оширди.

● Парранда гриппининг инсон саломатлиги учун хавфли бўлган H5N1 тури Россия, Хорватия ва Туркияда қайд этилди. Ушбу хасталиқнинг хуруж қилиши сабабли Европа мамлакатларида товуқ гўшти ва туҳум истеъмол қилиш 25 фоизга камайди.

● Бельгия пойтахти Брюсселда мамлакатда амалга оширилган пенсия ислоҳотига қарши кўп миң кишилик норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

## ПОЙТАХТНИНГ Дир кўни

Янгиликлар, воқеалар

## ҚИСҚА

● **БУГУН** «Қўйлик» деҳқон бозоридида «Маънавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбир муомала маданиятини шакллантириш масаласига бағишланди.

● **БУГУН** «Оқтепа» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг Юнусобод туман бўлими томонидан ташкил этилган давра суҳбати «Миллий қадриятларимиз: Ҳайит ҳақида» деб номланди.

● **БУГУН** «Хуросон», «Кўргонтепа», «Ширин», «Фарход», «Тинчликбод» маҳаллаларида «Камолот» ЁИХ Учтепа туман Кенгаши ҳамда «Маҳалла умидлари» маркази ҳамкорликларида ташкил этилган ҳазон ййғиш акцияси якунланди.

● **ТОШКЕНТ** қурилиш коммунал касб-хунар коллежида ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари «Камолот» етакчилари иштирокида ўқув семинари ташкил этилди.

● **ЗАМОНАВИЙ** санъат марказида халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

## ХИТЎЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТИДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши раисининг ўринбосари Бай Личен раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида бўлди.

Сенат раисининг ўринбосари Фарруҳа Муҳитдинова ва Қонунчилик палатаси спикерининг ўринбосари Машқура Сафоева билан учрашувда мамлакатимиз парламенти билан мазкур Кенгаш ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Мулоқотларда бугунги кунда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида икки томонлама ва халқаро

ташкilotлар доирасида кўплаб йўналишларда алоқалар изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Меҳмонлар Олий Мажлис палаталари фаолияти, уларнинг шаклланиш тартиби ва ваколатлари билан танишдилар.

ЎЗА

Обуна — 2006

## "ОҚШОМ" ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ, ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНГИЗ У ҲАР ҲАФТАДА БЕШ МАРОТАБА ХОНАДОНИНГИЗГА КИРИБ БОРАДИ

Азиз оқшомхон! Шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида газета ва журналларга обуна ишлари давом этмоқда. Жумладан, Сиз севиб мутолаа қиладиган "Тошкент оқшоми" газетасига ҳам 2006 йил учун обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

Албатта, қарс икки қўлдан чиқади. Қайсики нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчига манзур бўлса,

унинг муштарийлари ҳам уз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча нашрлар қатори бизнинг "Оқшом" тахририят ҳам ўз ихлосмандларининг таклиф ва истақларидан келиб чиқиб, келгуси йилда газетани янада ўқимишлироқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди. "Оқшом" газеталари 2006 йилдан бошлаб янги-янги рухлар остида ранг-баранг мавзу-

даги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, Сизга ҳам доим энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлиб келган сеvimли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Шундагина янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб "Оқшом" хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 563. Йиллик нашр баҳоси 30.780 сўм қилиб белги-ланган.

Шаҳрим-фаҳрим

Давоми. Боши 1-бетда.

Шу маънода, неча минг йиллар аввал ҳам минтакамиз худудидagi Бухоро, Самарканд, Шош, Хива, Кеш, Марғилон, Чағонийн каби шаҳарларда савдо-сотик ривож тогган. Айниқса, урта асрларда нанкин катта шаҳарларда, айни чоғда кўпlab йирик кишлоқларда ҳам «тим», «тоқи», «чорсу» деб номланган гавжум бозорлар бўлган.

Афсуски, собик совет тузumi даврида бозорларни ривожлантириш бобидаги асрий анъаналаримизга путур етди. Улар ўз халига ташлаб қўйилди, эски ва но-чор қиёфада қолиб кетди.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда хусусий мулкчилик қайта тикланди, эркин савдога кенг йўл очилди. Президентимиз Ислол Каримов ташаббуси билан бозор иқтисодиёти ислохотларининг ҳаётимизга кенг татбиқ этилиши натижаси ўлароқ, анъанавий савдони янги замонавий услуб ва воситалар билан бойитишда, юртимиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётга эришишда улкан имконият ва қулай шарт-шароитлар яратилди.

Шарқда азалдан бозор халқ турмуш даражасининг, юрт ободлиги, дастурхон тўкинигининг кўзгуси бўлиб келган. Давлатимиз раҳбари бозорга ана шундай таъриф ва юксак баҳо берди. Ўзбекистонда бозорлар фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган янги савдо уюшмалари, концерн ва фирмалар тузилди, бозор муносабатлари талабларига жавоб бера оладиган тадбиркорлар ва ишбилармонлар тоифаси шаклланди, улар сафи кенгайиб бормоқда.

Президентимизнинг 1996 йил 5 мартдаги «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу масалага оид қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги «Нооziк-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда.

Тошкент, Самарканд, Бухоро, Хива, Андижон каби йирик шаҳарларда меъморчиликдаги ўзига хос миллий анъаналар асосида бунёд этилган бозорлар сони тобора кўпаймоқда. Ҳозир биргина пойтахтимизнинг ўзида қарийб юзга яқин катта-кичик бозор шаҳар ахли ва меҳмонлар хизматида. Янги бозорларни шаҳарнинг турли даҳаларини боғловчи шоҳкўчалар, йирик савдо мажмуалари ва турар жой мазеалари, автовокзаллар яқинида жойлаштиришга алоҳида эътибор берилаяпти.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу бозорлар, бир томондан, ҳамшаҳарларимизга савдо-сотик ишлари учун муайян қулайликлар яратса, иккинчи томондан, шаҳар марказидаги йирик савдо мажмуалари юқини енгиллаштиришга, улардаги тизимликни камайтиришга хизмат қилади. Бозорларнинг кўпчилиги бозор иқтисодиётининг муҳим шарти - рақобатни ривожлантиради. Рақобат эса нарх-наво арзонлашиб, маҳсулот ва хизматлар сифати янада яхшиланишининг муҳим омилдир.

Шу ўринда Тошкентнинг машҳур ва асосий бозорларидан бўлиши «Чорсу» ҳамда «Эски Жува»да қурилиш ва ободонлаштириш ишлари изчил давом эттирилаётгани хусусида алоҳида тўхталиш жоиз. Сўнгги пайтда бу ерда 560 ўринли кийим-кечак дўконлари, 262 ўринли миллий либос расталари, 500 ўринли сабзавот, 450 ўринли қуруқ мевалар, 180 ўринли нон ва гуллар, 300 ўринли миллий таомлар расталари барпо этилди.

Анъанавий шийпонлар, гумбазли, тоқ ва тим, соябонли, ойнаванд услубларда бунёд этилган мазкур расталар атрофида турли дўконлар, чойхона, новвойхона, замонавий оғборхоналар, банк бўлимлари, валюта алмаштириш шохобчалари, маданий-машиий хизмат кўрсатиш масканлари жойлаштирилгани сотувчи ва харидорлар учун жуда қўл келаётир.

Айни вақтда ушбу худудда бозор инфратузилмасини янада кенгайтириш, савдо маданиятини ошириш, санитария ҳолатини яхшилаш, транспорт қатнови ва йўлларни тартибга солишга қаратилган кенг қўламли ишлар давом этмоқда.

«Чорсу» бозори таркибига кирувчи «Миллий кийимлар» шохобчаси мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида ишга туширилган эди. Ўтган қисқа давр ичида ушбу савдо маскани «Тўн бозори» деган халқона ном билан ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонларимиз эътиборю эътирофини қозонди. Бу ерда хунармандлар, тикувчилар, каштадўзалар, попопчилар кўз нури ва қалб меҳрини бериб яратган ноёб миллий либослар - зарбоф ва банорас тўнлар, чакмонлар, дўппилар, кийикчалар, нимчалар, адрас елкаўшлар, алача, хуржун, махси-ковушлар савдоси учун барча шароит муҳайё.

Бу ердаги 262 савдо ўрнидан бирини ўз маҳсулотлари билан банд этган Шоирахон Садриддинова — по-

попчи, хунармандлар оиласидан. Опанинг қўл меҳнати маҳсули бўлиши турфа хил ноёб хунармандлик буюмларига нанкин юртимиз, балки Германия, АКШ, Россия, Япония, Жанубий Корея каби кўпlab хоржий мамлакатлардан ҳам доим буюртмалар тушиб туради.

— Истиқлол туйфали биз каби хунармандларнинг пешонасига офтоб теғди, — дейди Ш.Садриддинова. — Илгари минг азобда, кечалари ўтириб тиккан буюмларимизни бозорда сотолмай ҳалак бўлар эдик. Бу ёқдан у ёққа, у ёқдан бу ёққа ҳайдашарди. Мана, энди бизлар учун ёзда соя-салқин, қишда иссиқ ва ёгин-соқиндан пана, қулай бозор қурилди. Бундай имконият, бундай эътибор ва рағбат учун Юртбошимиздан миннатдоримиз.

Бозорлардаги янгиланишларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, булунги кунда улар дехқон бозори, буюм бозори, қурилиш моллари бозори каби кўпlab

ни ишлаш йўл-йўриқлари ҳақида тавсиялар бераман. Бозорларнинг, шу жумладан, бозор ичидаги дўконларнинг ҳам ихтисослаштирилгани, умуман, замонавий тартиб-таомилга мослаштирилаётгани барчага маъқул бўлмоқда.

«Авиасозлар» бозори 5,5 гектар майдонни эгаллаган. Бу ерда дехқонлар учун 700 савдо нуқтаси, савдо павильонлари ва шийпонлар, шунингдек, 216 турғун савдо дўкони ташкил этилган. Бозорда қурилиш ва ободонлик ишлари айни вақтда ҳам давом этмоқда. Яқин кунларда қўшимча 108 савдо дўкони фойдаланишга топширилади.

— Тошкент бозорларидаги ўзгаришлардан ҳайратданман, — дейди москвалик тадбиркор Александр Соколин. — Мен бу ерда бундан йигирма йилча илгари келган эдим. Ўшанда «Чорсу» бозорида нон сотаётган аёлларни назоратчилар қувғин қилиб юрганига ўзим гувоҳ бўлган эдим. Бугунги Тошкент бозорларида ҳамма ёқ саранжом-сарийшта, батартиб, қулай. Бу Ўзбекистонда қисқа вақт ичида юксак миллий савдо маданияти қайта тикланганидан далолатдир. Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва манфаатлари устувор бўлган жойдагина ана шундай ютуқларга эришиш мумкин.

Пойтахт бозорларида, аввало, аҳоли, харидор, яъни истеъмолчи хуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоялашга катта эътибор қаратилмоқда. Аввалги пала-партиш, орасидан ўтиш мушкул, ерга ёйилган «расталар» ўрнида қатор замонавий дўконлар қад ростляпти. Хар бир дўконнинг ўз тартиб рақами, касса аппарати, кийим дўконларида эса махсус гардероблари бор. Булар, табиийки, харидор ўзига маъқул буюмини танлаб олиши, зарур бўлганда, тегишли тартибда қайтариши ёки алмаштириб олиши учун жуда қулай.

Президентимиз мустақиллиқнинг дастлабки йилларида бошлаб турган тарихий марказ бўлган Эски шаҳарни бой ўтмишимизга, у ерда яшаб ўтган ота-боболаримизнинг руҳига ҳурмат-эҳтиром ифодаси сифатида обод қилиш, пойтахтимизнинг замонавий қиёфаси билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. «Эски Жува» бозори ҳам ана шундай доимий диққат-эътибор марказида.

«Эски Жува»нинг илгари тайёр овқатлар сотиладиган қисми ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бундан ўн беш-йигирма йил бурун дафтар-китоб varaқлари ёки газета парчасига ўраб берилган таомини қаерда хотиржам тановул қилиш сўнгра қайси қаерда ёғли қўллари-ни ювишни билмай ҳўрандининг боши қотар эди. Эндиликда бу ерда замонавий шийпонлар остида қарийб 50 савдо ўрнидан иборат «Миллий таомлар» растаси барпо этилди. Иссиқ ва совуқ сув, канализация ўтказилди. Растада бир пайнинг ўзида уч юздан зиёд ҳўрандаги хизмат кўрсатиш учун етарли ўрин-жой мавжуд. Тегишли тартибда тиббий қўриқдан ўтган пазандалар мижозларга ош, хоним, манти, сомса, қатюб, шўрва, хасип, норин каби турфа хил таомларни тақлиф этмоқда.

Қирқ йилдан бўён миллий таомлар савдоси билан шуғулланадиган Машкура опа Ҳасанова билан суҳбатлашдик. — Шундай замонавий ва қулай бозор қурилганидан, биз, хусусий тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазалари, амалий тақлиф ва истақлари инобатга олинганидан хурсандимиз, — дейди Машкура опа.

— Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофати, Юртбошимизнинг ғамхўрлиги самарасидир. «Тим» деб номланган гўмбазли бозорлар қадимдан энг гавжум чорраха — чорсуларда жойлашган ва улар муайян маънода шаҳарнинг меъморий қиёфасини ҳам белгиллаган. «Эски Жува» худудидаги «тим» шу жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Хозирги кунда у таъмирланиб, ёнида қарийб 40 та савдо дўконига эга яна бир «тим» бунёд этилди.

Эътиборли томон шундаки, «Эски Жува» худудидаги хар иккала «тим», «Болалар дунёси» савдо мажмуи, унинг рўпарасида қад ростлаган фаввора уйғун меъморий ечимга эга ягона, бетакрор ансамбль сифатида кўзни қувонтиради.

Ушбу музейян фаввора олдида нуруний қарига дуч келдик. Шўкроналик билан сузлаётган отахон бу ишлардан кўзланган асосий мақсад халқимизга фаровон турмуш тарзи яратиш билан бир қаторда, хар томонлама қулай яшаш шароитларини таъминлашдан иборат эканини айтди:

— Бу хайрли амалларнинг бошида Юртбошимиз турибдилар, — деди отахон. — Шу муқаддас Рамазон кунлари, ҳайит айёми арафасида у кишининг умрлари узок бўлишини тилаймиз. Юртимиз — тинч-омон, халқимиз — осоийшта, дастурхонимиз ҳаммиса тўкин бўлсин. Эл-юртимизни ёмон қўзлардан, бало-қазолардан Парвардигор ўзи асрсин!

Ғулом МИРЗО, Ўза шарҳловчиси  
СУРАТЛАРДА: бозорларимизнинг бугунги қиёфаси.  
Муҳаммад Амин (Ўза) олган суратлар.

БОЗОРЛАРИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ



турларга бўлинди. Илгаригидек, сувун растаси билан чой растаси бир-бирига қоришиб ётмайди. Пойтахтимизнинг «Паркент» бозори ана шундай ихтисослаштирилган бозорлардан биридир.

Умумий майдони 6,25 гектар ушбу бозор худудига 256 кийим-кечак, 216 қурилиш моллари, юзта лок-бўёқ савдоси бўйича дўконлар, қурилиш моллари савдосига ихтисослашган 58 йирик дўкон мавжуд.

— Етти йилдан бўён шу бозорда савдо қиламан, — дейди хусусий тадбиркор Назоқат Худойберганова. — Илгари бу дўконлар ўрнида яхлит шийпон бўлиб, очик расталарда қишда оёғимиздан зах ўтиб, ёзда терлаби-пишиб, ўта ноқулай шароитларда ишлардик. Хар куни эрталаб товаримизни оғборхонадан навбатга туриб олар, уни араваларга ортар, растага минг алофза ёйиб чиқардик. Кечкурун эса буюмларимизни яна йиғиб, аравага ортиб, оғборга топшириш учун навбатга туришимизга тўғри келарди. Бу ортиқча меҳнат экани етмаганидай, кўп вақтимизни оларди. Боз устига, хар гал оғборчига, қирақашга сарфлайдиган ортиқча чиқимларни айтмайсизми. Энг ёмон, ҳадеб у ёқдан бу ёққа ташийвергач, йиғиб-очавергач, товарларимизнинг сифати бузилар, харидоргирилгига путур етарди. Шўқри-ки, энди бундай оғборчиликлар бархам тоғди. Эрталаб келиб дўконимизни очамиз, савдо-сотик қиламиз, даромад орттираемиз. Кечкурун дўконни бекитиб, қўриқлаш хизматида топширамиз-да, хотиржам уйга қайтаемиз. Тижорат аҳлига бундан ортиқ нима керак. Бозорларимизда савдо маданиятининг усаётгани халқимизнинг фаровонлиги юксалаётганидан яна бир далолатдир.

Кейинги икки ярим йил ичида пойтахт бозорларида 2 мингдан ортиқ ана шундай дўконлар фойдаланишга топширилди. Бу каби кенг қамровли амалий ишлар натижасида бозорларимиз янги, замонавий қиёфа касб этмоқда. Эндиликда улар мазмун ва моҳияти жиҳатдан ривожланган мамлакатлар бозорларидан сира қолишмайди.

Яна бир хусусий тадбиркор - Абдулла Жуманиёзов биз билан суҳбатда мамлакатимиз Президенти Ислол Каримовнинг кейинги бир неча фармон ва қарорлари туйфали хусусий тадбиркорлик равнақи борасида катта қадамлар қўйилгани ҳақида гапирди.

— Турли хил текширувларнинг «ташриф»ларига чек қўйилгани кўп яхши иш бўлди, — дейди у. — Натихада бозорда савдо-сотик билан шуғулланиш енгиллашди. Бу эса маълум маънода товарлар сони ва турлином кўпайишига, нарх-навоининг пасайишига олиб келимоқда.

Бозорнинг қурилиш моллари савдосига ихтисослашган дўконларидан бирида менежер-маслаҳатчи бўлиб ишлайдиган Вадим Дюльдиннинг айтишича, Президентимизнинг ташаббуси билан хусусий тадбиркорларга яратилаётган енгилликлар ичида ортиқча қроғозбозлик ва расмиятчиликка чек қўйилгани ҳам тижорат аҳлини жуда қувонтирмоқда.

— Шу пайтгача вақтимиз тегишли ташкилотларга турли ҳисоботлару маълумотномалар тайёрлаб топширишдан ортамсиз, — дейди В. Дюльдин. — Мана, энди том маънода ўз ишим билан машғулман. Харидорларга дўконимизда сотиладиган буюмларнинг сифати, улар-

Шаҳримизда 29-30 октябрь кунлари бўлиб ўтган умумшаҳар ҳашари ҳам юқорида айтиб ўтилган фикрнинг исботи бўлди. Минглаб ҳамшаҳарларимиз куз мавсумининг ҳар бир кунини ганимат билиб, кўчалар, ариқ-зовурларни хас-хашак, чиқиндилардан тозалалаб, қуриган даракларни қирғиб, кўчаларнинг тагини юшатишди.

— Маҳалламизда 3.150 нафар аҳоли истикомат қилади, — дейди биз билан суҳбатда Шайхонтоҳур туманидаги "Тинчлик" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Озода опа Агамова. — Октябр ойидан бошлаб ҳар шанба-якшанба кунлари мавсум юмушлари, шунингдек қишли-қировли кунларга тайёргарликни бошлаб юбордик. Аввало маҳалла гузари худуди ва яқин атрофини тартибга келтириб, даракларни оқлаб, шакл бердик. Бундан ташқари, 361-милиция таянч шохобчасини ҳам ҳашар йўли билан тазмирдан чиқардик. — Ҳашар кунлари камолотчилар

ҳам четда туришгани йўқ, — дейди «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши матбуот хизмати раҳбари Отабек Эшматов. — Ҳаракат фаллари ободонлаштириш юмушлари

гул ва буталарга шакл бериб, тағларини юмшатиб ораста ҳолга келтирилди. Таъкидлаш жоизки, кенгаши-миз томонидан куз фасли бошлангандан бери экологик тадбирлар ўтказилиб, шаҳримизнинг озодалигига муносиб ҳисса қўшиб келинмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, бундай ободонлаштириш юмушлари шаҳримизнинг барча туманларида бўлиб ўтди. Дилни хира қилувчи чиқиндилар йиғилиб, кўчаю йўлаклар тоза ҳолга келтирилди. Дарҳақиқат, бугунги кунда хазонрезгилик бутун атрофни олтинранг япроқлар билан тўлдирган. Шу билан бирга ҳар ер-ҳар ерда улар уюм-уюм қилиб тўпланиб, болалар, баъзида катталар томонидан ёқилмоқда. Бу эса, қачонлардан бери мутахассислар бонг ураётганидек, инсон саломатлигига катта зарардир.

Биз ҳам азиз ҳамшаҳарларимизга бу ҳақда яна бир бор эслатиб ўтишни лозим топдик.

Шоира МУҲАМЕДОВА

## Ҳашар — эга арашар

### УМУМШАҲАР ҲАШАРИ

ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ  
АНЪАНАВИЙ БЎЛИБ  
КОЛМОҚДА

Ўлкамизда олтин кузнинг илиқ нафаси кезиб, барчамизни кишининг аёзли, совуқ кунларига тайёргарлик кўришга ундамоқда. Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, азим пойтахтимиз аҳолиси бу кунларнинг қадрига етган ҳолда ҳар шанба, якшанба кунлари ҳеч қандай чорловни кутиб ўтирмай яқдиллик билан ҳашарда иштирок этмоқдалар. Ўзлари меҳнат қилаётган корхона, ташкилот ва муассасалар худудлари, теварак-атрофни ораста ҳолга келтириб, қишга муносиб тайёргарлик



да бажонидил иштирок этмоқдалар. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет Катта театри бутун теварак-атрофини супуриб-сидириб, чиқиндиларни тўплаб

## Тадбирлар

### ЭЗГУЛИК ВА МАЪРИФАТ ЭЛЧИСИ

«Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар ва Сергели туман бўлими, Сергели туман ҳокимлиги ҳамкорлигида «Ислому — эзгулик ва маърифат элчиси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Сергели тумани фаоллари, маҳалла, мактаб, коллеж ўқувчилари, корхона ва ташкилотларнинг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича раҳбар ўринбосарлари иштирок этган ушбу даврада «Шайх-Зайниддин» масжиди имом-хатиби Раҳматилла қори Обидов «Ислому дини ва унинг келиб чиқиши», «Қуддуси Шариф» масжиди имом-хатиби Муҳаммадхон Аҳмедов «Диний ақида-парастликка қарши кураш», «Нўғай-қўрғон» масжиди имом-хатиби Лутфулла Юнусов «Рўза ва саломатлик» мавзуларида фикр юритдилар.

— Бундай тадбирларни ўтказишдан қатор хайрли мақсадларни кўзлаганимиз, — дейди «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими раҳбари, филология

фанлари номзоди, доцент Шавкат Ибрагимов. — Токи ҳар бир инсон айниқса ёшлар ислом дини одамларни яхшиликка, эзгуликка, ёруғликка, маърифатга бошлаганини тушуниб етсин. Маънавият инсондан эса ҳеч қачон ёмонлик чикмайди, у ҳалол, покиза, меҳнатқаш, одамларга беминнат яхшилик қилувчи, савоб ишларга қодир бўлади.

Чўқур фикрли маърузалардан йиғилганлар бир олам маънавий озик олдилар. Савол-жавоблар ҳам айнан ислом динининг эзгулиги, савобат, оқибатга чорлаши, дунёдаги жамики одамзотларга улашадиган яхши фазилатлари ҳақида бўлди.

Азиза МУҲАМЕДОВА

## Маълум

### КУРС ТИНГЛОВЧИЛАРИ — МУЗЕЙДА

Шаҳримизда бир неча уй-музейлар ташкил топган бўлиб, у ерга кўпроқ ўқувчи ва ўқитувчилар ташриф буюришади. Яқинда атоқли шоир Фафур Фулом уй-музейида шаҳар халқ таълими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тингловчилари илмий-амалий анжуман ўтказишди.

Институт ректори, педагогика фанлари доктори Х.Йўлдошев, профессор Қ.Йўлдошевлар тингловчилар билан давра суҳбати ўтказиб, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, унинг ижроси, дарслик ва қўлланмалар билан ишлаш ҳақида фикр алмашдилар.

Анжуман сўнггида тингловчилар уй-музейи яна бир бор зиёрат қилиб, таниқли адиба Олмосхон Фуломовнинг Ф.Фулом асарларининг инсоний

фазилатлари тўғрисидаги суҳбатидан баҳраманд бўлдилар. — Бу галги анжуман музейда ўтказишга келишиб олгандик, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг катта ўқитувчиси Феруза Муҳамедова. — Чунки музей ўқитувчиларга катта мактаб ва зифасини ўтайди. Қолаверса, ўқувчиларнинг музейларга келиши бироз камайгандек.

Мақсад аввал ўқитувчиларни, сўнг ўқувчиларни бу даргоҳга кўпроқ жалб қилиш. Ахир эшитилган маълумот тез унутилади, қўрилгани эса ёдда узоқ вақт қолади.

Ҳақиқатан анжуманларни турли даргоҳларда, расмиятдан холи давра суҳбати тарзида ўтказиш фойдали. Зеро, суҳбат, баҳс-мунозара янги фикрларнинг туғилишига асос бўла олади.

Маҳмуда  
ВАЛИЕВА

## Саҳна

### УЙ-МУЗЕЙДА УЧРАШУВ

Тасвирий санъатнинг етуқ намоянаси Ўрол Тансиқбоев кўп йиллик фаолияти давомида ўз ижодий мактабини яратди. Эндilikда бу бой мерос бўлгуси ёш истеъодлар учун изланиш ва маҳорат манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Устоз ва шогирд аънаванини кенг йўлга қўйиш мақсадида Тошкентдаги Ўрол Тансиқбоев уй-музейи хайрли ишга қўл урди. Ҳар йили бу ерда ёш rassomлар кунини ўтказишга қарор қилинди.

Яқинда уй-музейида ана шу аънаванинг дастлабки тадбири нишонланди. Бир неча ёш мусаввирларнинг ташкил этилган асарлари кўргазмаси томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Уша кун атоқли мусаввирнинг ҳамкасблари умидли rassomлар билан давра суҳбати қуриб, уларга оқ йўл тиладилар.

### ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИКДА

Республикамиз театларида намоийш қилинаётган спектаклларнинг муваффақиятини таъминлашда қардош республикалар санъаткорлари билан ҳамкорлик қўл келмоқда. Бунинг республика Ёш томошабинлар театри фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Таниқли тожик режиссёри Барс Абдураззоқов актёрлар билан ҳамкорликда янги постановкани сахналаштиришга киришди. «Шапканинг найранги» деб номланган бу спектакль замонавий режиссурада юзага келмоқда. Янги постановка тез кунларда сахна юзини кўради.

### ТОМОШАБИНЛАРНИ КУШНУД ЭТИБ...

Тошкентдаги «Илҳом» театрида бир йўла иккита постановка сахна юзини кўрди. Таниқли драматург Эдвард Олби қаламига мансуб бўлган «Ҳайвонот боғида юз берган воқеа» ҳамда «Юз бўйиндор аёл» деб номланган пьесалар асосида тайёрланган спектакллар театр янги ижодий мавсумининг дастлабки постановкалари янглиг томошабинларга кўрсатилди.

Айни вақтда бу асарларнинг сахнавий талқини ўзига хос режиссурада амалга оширилди.

Ўзининг қўлбал муҳлис-ларига эга бўлган театр яна қатор янги спектакллар устида ижодий изланмоқда. Улар орасида мумтоз асарлар ҳам бор.

Ақбар АЛИЕВ

## ҚИЗЛАР ҲАЁСИ БИЛАН ГЎЗАЛ

Негаки қизларимиз эрта миз давомчилари бўлмиш ёш авлоднинг соғлом ва барқарор тарзда вояга етишида масъулдирлар. Зеро, соғлом онадан соғлом фарзандлар туғилади. Фарзандлар эса келагачимиз давомчиларидир.

Шу мақсадда Сергели туманидаги 305-мактабда «Қизлар ҳаёси билан гўзал» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирни «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими, «Ешлик» маҳалласи ҳамда 305-мактаб жамоаси ўтказдилар. Кечани «Ешлик» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мусаллам Исмоилова кириш сўзи билан очиб, қизларимизнинг соғлиғига, кийиниш маданиятига, шарму ҳаёсига ҳар томонлама эътибор бериш оила, маҳалла ва мактабнинг асосий вазифаси эканлигини таъкидлади.

Шундан сўнг тадбирда қурувчилар оилавий шифохонаси бош шифокори Татьяна Дроздова, гинеколог Нилуфар Абдуллаева, педиатр Дилбар Равшанова, руҳшунос Ирина Смирниковаалар сўзга чиқиб, баалоғат ёшидаги ўсмир қизларнинг саломатлигига доир маслаҳатлар, одоб-ахлоқ, ўзини тутта билиш, шарму ҳаё, миллий қадриятларимиз, озодликка риоя этиш, асосийси ўз соғлиқларини бекаму кўст асрашлари борасида йўл-йўриқлар беришди. 300-мактабнинг руҳшунос шифокори Марҳаба Зибейутдинова эса, оналар қизларнинг энг биринчи сирдош дўстлари бўлишлари, уларга ҳар доим суяниш, ишонш ва ишончларини оқлаш лозимлиги ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Тадбир сўнггида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими мутахассиси Гулнора Раупова ва 305-мактаб директори Онагул Собирова шундай давра суҳбати ва учрашувларни тез-тез ўтказиб туриш мақсадида мувофиқлигини айтиб ўтишди.

Тадбир мулоҳаза, мунозара ва савол-жавобларга бой тарзда яқунланди. Кечда иштирок этган ўқувчи қизлар ўзларини қизиқтирган саволларга тўла-тўкиси жавоб олишди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Бугун тиббий хизмат полковниги Шаҳобиддин Жалилов ўша кунларни хотирлаганда, ёшлик шихоати, ғайрати кўз олдига келади. 1983 йил, Саратовдаги тиббиёт олий ҳарбий билим юртини тугаллаган ўғлон — ёш лейтенант ҳарбий ҳаво кучларида хизматини бошлади. Тиббиёт пункти бошлиғи бўлди, қидирув-қутқарув хизматда ишлади. Учувчиларни тиббий комиссиядан ўтказиш лабораторияси бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатди. Ҳар китобини варақлайверса, гап кўп. Ҳарбий тиббиёт ходимларини икки қарра посбон, дейиш мумкин. Ҳам тинчлик, оқсоқилликка, ҳам юрт ҳимоячилари саломатлигига посбон. Ана шундан ҳам улар соҳасининг машаққатини англаб олаверинг.

Айни пайтда тиббий хизмат полковниги Ш.Жалилов Мудофаа вазирлиги марказий поликлиникаси бошлиғи. Фидойи офицер учун поликлиника иккинчи уйига айланган. Рафикаси Мавлуда оланинг айтишича, поликлиника полковнигининг биринчи уйи эмиш. Буни заҳматқаш офицернинг аёли шундай оҳангда айтдики, сўзларида киноя эмас, меҳр бор эди. Эри ва унинг касбидан фахрланиш бор эди. Сўхбатимиз аввалида мен ҳам унга ҳазил тарихида "поликлиника ва жамоангиз ҳам сиз учун бир оила ҳисобланса керак", дейман. Келинг аввало шу "оила" ва унинг соҳибидан сўз очайлик.

Марказий поликлиникадаги қўли энгил, қалби дарё шифокорларнинг ақсарияти аёллар. Масалан 82 баҳорни қаршилаётган Антонина Горчекова, 40 йилдан бери мазкур поликлиникада фаолият кўрсатаётган Юлия Самойлович, шунингдек, Ирина Бондарева, Галина Чернешова, Гулнора Қосимова, Малика Мирзамухамедова, Зулфия Раҳматова, Гулнур Турғунова... Уларнинг рўйхатини давом эттирaverишимиз мумкин. Ватан ҳимоячилари саломатлигини асраш йўлида фидойилик кўрсатаётган жамоа ҳақида қанча илқ гапларни айтсак ярашади.

— Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан жорий йилнинг "Сихат-саломатлик йили" дея номила-ниши, бу борада давлат дастури қабул қили-

нишини биз тиббиёт ходимлари ҳам кўтариш-ринки руҳда қаршиладик, — дейди қаҳрамо-

ҳаракати туфайли поликлиника мажмуаси яратилди. Яъни, тиббий хизмат кўрсатиш энди бир жой-

да. Бу ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучлар фахрийлари учун муҳим қўллаётган бўлди. Поликлиникамиз замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Мана энди қақирув ҳам бошланди. Чақирув тизимининг тубдан янгиланиши армиямиз сафларига сараланган ўғлонлар келишини таъмин этмоқда. Илгари бир босқичда тиббий комиссиядан ўтказилган бўлса, ҳозирда бу тўрт босқичда амалга ошириляпти. Мен

ҳам қақирув маҳали кўчма ҳарбий-тиббий комиссия таркибида қисм ва бўлинмаларга чиқаман, муддатли ҳарбий хизматга келган ўғлонларни кўриқдан ўтказаман. Йилдан-йилга соғлом, баркамол ўғлонлар сафларини тўлдиряпти. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан муддатли ҳарбий хизматчиларнинг озик-овқат таъминоти яхшиланди. Фитобарлар очилиб, посбонлар витаминлар билан таъминланмоқда. Бу уларнинг иммунитетини, жанговар қобилиятларини мустаҳкамлайди.

Сўхбат давомида полковник яна кўп фикрларни айтди. Ҳарбий тиббиёт соҳасининг кечаси, бугунги истиқболдан сўз очди. У мароқ билан сўзлади.

Хуллас, полковникнинг бир иш куни билан танишдик. Сўхбатлашдик, иш жараёнини кузатдик. Соат миллари тун сари қопаётган бўлса-да, у ишини тугатмади. Кечкурунги тўққизларми, уларми бўлди. Ортада қолангидан кундан энди кўнгли тўлди шекилли "Мана, бўлди", деди ниҳоят. Келиной ҳазил аралаш ҳақиқатни айтган экан. Полковник биринчи уйдан қадрдон гўшасига йўл олди. Ана, ҳозир эшик кўнгиригини босади. Уни меҳр, вафо, садоқат қарши олади. Полковник Жалиловнинг бахти ҳам ана шунда.

Ҳарбийлар оиласида

ҚАРШИЛАЙДИ МЕҲР, ВАФО, САДОҚАТ

Ҳарбийлар ўзгаларнинг ҳаловатини кўриқлаш ҳисобига ҳаловат топади. Ҳарбийликнинг моҳияти ҳам шунда. Ана шу моҳият замирида соҳанинг машаққати, қувонч дардлари мужассам. Ўсмирлик чоғидаёқ Шаҳобиддин соҳанинг масъулиятини билди. Моҳиятини тушуңди. "Ўқийман, ишлайман, десанг соҳалар ҳам кўп-ку" дейишди яқинлари. Бироқ ҳеч ким уни танлаган йўлидан қайтара олмади.



— Мазкур йўналишда режалар иш-лаб чиқдик. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2001 йилда Мудофаа вазирлигининг саъй-

таъмин этмоқда. Илгари бир босқичда тиббий комиссиядан ўтказилган бўлса, ҳозирда бу тўрт босқичда амалга ошириляпти. Мен

ҳам қақирув маҳали кўчма ҳарбий-тиббий комиссия таркибида қисм ва бўлинмаларга чиқаман, муддатли ҳарбий хизматга келган ўғлонларни кўриқдан ўтказаман. Йилдан-йилга соғлом, баркамол ўғлонлар сафларини тўлдиряпти. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан муддатли ҳарбий хизматчиларнинг озик-овқат таъминоти яхшиланди. Фитобарлар очилиб, посбонлар витаминлар билан таъминланмоқда. Бу уларнинг иммунитетини, жанговар қобилиятларини мустаҳкамлайди.

ФОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Яқинда Мудофаа вазирлиги қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган ҳарбий учқураш бўйича очик чемпионат баҳслари ҳарбийларимизнинг жисмоний тарбия ва спортга қизиқиши янада юксалаётганини кўрсатди. Қизгин беллашувларга бой мусобақалар Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округига қарашли подполковник Н.Юсупов командирлик қилаётган қисмда бўлиб ўтди. Унда 12 та жамоа вакиллари қатнашишди. Кутилганидек, мусобақалар аввалидаёқ ташаббус Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти жамоасига ўтди. Кутилганидек, дея эътироф эътиҳисининг сабаблари бор. Ҳуш ҳарбий учқураш бобида мазкур жамоада яхши тажрибалар тўпланган.

Ўтган йил биринчи бора ўтказилган умумармия ўйинларида ҳам бунга гувоҳ бўлгандик. Тилга олинаётган билим юртида капитан Равайн Абдиев командирлик қилаётган батальонни "спортчилар жамланган жамоа" дея бежиз таъкидлашмайди. Ўзи спортга, жисмоний тайёргарликка қизиққан босис шогирдларини ҳам шу йўсинда тарбиялаб келмоқда. Бинобарин, жисмоний баркамолликда гап кўп. Граната улоқтириш баҳсида Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртининг 3-курс курсанти Хуршид Умаров барча рақибларини доғда қолдирди. Яъни, 1225 очко жамғариб, энг юқори натижани кўлга киритди. Хуршиднинг жамоадошлари 4-курс курсанти, сержант Нодир Солиев ва 3-курс курсанти Бекзод Хомутбековлар бир хил — 1195 очкодан жамғаришиб иккинчи ва учинчи ўринларни забт эттишди. Шу тариха офицерлар учқураши бўйича спорт устаси майор Жаҳонгир Шокиров мураббийлигидаги бу жамоа мусобақанинг дастлабки беллашувидеяёқ юксак жисмоний тайёргарликка эга эканлигини намойиш этди. Умумжамоа ҳисобида 5655 очко тўпланди. Граната улоқтириш баҳси бўйича иккинчи ўринни Самарқанддаги билим юрти жамоаси (4750 очко), учинчи поғонани эса мезбон жамоа — Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи (3995 очко) вакиллари эгаллашди.

УЛАР ЧЕМПИОНАТНИНГ ФАХРИГА АЙЛАНИШДИ

Муддатли ҳарбий хизмат оддий аскари Ёсғор Аҳматовнинг эришган натижаси ҳақида қисқача тўхталгандик. Энди сўзни унинг ўзидан эшитсак: — Катта лейтенант Мансур Маъруфжонов командирлик қилаётган взводда, ўқчи вазифасида хизмат қиламан. Ҳарбийлар ўртасидаги чемпионатда биринчи бора иштирок эттишим. Чемпионат юксак даражада ўтди. 2003 йилда Тошкентда энгил атлетика бўйича спорт усталлигига номзод бўлганман. Ўша йили Швейцарияда бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги XXXI жаҳон биринчилигида қатнашганман. Армиягача Чирчиқдаги Олимпия захиралари коллежини тугалладим. Ҳаётимни ҳарбий соҳа билан боғлаш, армиямиз спортининг раванқига хизмат қилиш ниятидаман.

Курсант Элёр Тоштемиров Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти. Умумармия ўйинларида олтин медалга сазовор бўлиб, ҳарбий учқураш бўйича спорт усталлигига номзод бўлган.

— Бош мураббий майор Улям Тимощев, капитан Владислав Тимощев етакчилигида чемпионатга ҳозирлик кўргандик. Уйлаймизки, жамоамиз ёмон натижа кўрсатмади. Ниятман армиямиз спортининг нуфузини халқаро майдонда ошириш, армия спорти орқали катта спортга чиқиш, — дейди у бу ҳусусида.

ОМАД КУЧЛИЛАРГА КУЛИБ БОҚАДИ

Ҳарбий учқурашнинг навбатдаги беллашуви автоматдан нишонга отишдан иборат. Нишон 200 метрлик масофада жойлашган. Иштирокчиларга 30 тадан ўқ берилди. Фақатгина омад эмас, юксак жисмоний тайёргарлик ҳам Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти жамоасига қўл келаятгани кўзга ташланди. Айниқса сержант Нодир Солиевнинг мерганлиги алоҳида таҳсинга сазовор. У нишонга отиш баҳсида 1273 очко жамғариб, ушбу беллашувда ўзига хос рекорд ўрнатди. Жамоадошлари курсант Бекзод Хомутбеков ва учинчи курс курсанти сержант Жавлон Тўраевлар 1000 очкодан жамғаришиб, иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлдилар. Умумжамоа ҳисобида яна жамғарилган 4664 очко пешқадамликни мустаҳкамлади. Автоматдан нишонга отиш баҳсини жамоалар мисолида олиб қарайдиган бўлсақ, иккинчи ўринни Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти, учинчи ўринни Шимолӣ-ғарбий округи мерганлари забт эттишди.

КУБОК — ПОЙТАХТЛИКЛАРГА НАСИБ ЭТДИ

Чирчиқ олий танк кўмондонлик муҳандислик билим юрти жамоаси шунқорлари ўз сўзларини айтишди. Аникроги, муддатли ҳарбий хизмат оддий аскари Ёсғор Аҳматовнинг биринчи ўринни кўлга киритиши эътиборга сазовор бўлди. Иккинчи ўринни Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Элёр Тоштемиров эгаллаган бўлса, учинчи ўрин яна чирчиқликларга-шартнома бўйича хизмат қилаётган оддий аскар Денис Тянга насиб этди. Умумжамоа ҳисобида ҳарбий учқурашнинг мазкур турида Чирчиқдаги билим юрти жамоаси биринчи, Самарқанддаги билим юрти жамоаси иккинчи, мезбон жамоа эса учинчи ўринларни кўлга киритишди.

Ниҳоят мусобақа бош ҳақами, Мудофаа вазирлиги масъул ходими подполковник Э.Яушев натижаларни эълон қилди. Бунга қўра, 16266 очко жамғарган Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти жамоаси чемпионат голиби бўлиб, кубокни кўлга киритди. Самарқанд олий

ОРЗУЛАРИМИЗ УЛҒАЙМОҚДА

Куролли Кучларимизда жисмоний тарбия ва спортга бўлган эътиборнинг ортаётгани ҳарбий округларимизда бу борадаги ишларни анчайин жонланшига хизмат қилаётгани аини ҳақиқат. Илгари чемпионат ва спартакиадаларда кўпроқ ҳарбий билим юртлари жамоаларининг қўли Баланд келса, энди округлар жамоалари шохсуна сари дадил интилишмоқда. Бунга Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи жамоасини мисол келтириш мумкин. Ҳарбий учқураш бўйича жамоани бош мураббийси катта лейтенант Баҳодир Зикиров бу ҳақда шундай дейди: — Жисмоний тайёргарликка нисбатан эътиборнинг ортиши, қисм ва бўлинмаларнинг замонавий спорт анжомлари билан таъминланиши ўз самарасини бермоқда. Умумармия ўйинлари спортга бўлган интилишимизни янада рағбатлантирди. Масалан, мазкур ўйинларда энгил атлетика бўйича спорт усталлигига номзод бўлдим. Ҳарбий учқураш бўйича ўтказилган чемпионатга келсақ, лейтенантлар Шерзод Рашидов, Олим Ганиев, шартнома бўйича хизмат қилдик сержант Ғайрат Мирзаевлар анча фаол қатнашишди.

Таъкидлаш жоизки, бўлиб ўтган чемпионат янаги йил ўтказиладиган иккинчи Умумармия ўйинлари олдидан муҳим тайёргарлик бўлди. Ҳа, армиямизда ҳам спорт мусобақаларининг мезмил тарзи шаклланимоқдаки, бу баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги орзуларимизни ушлатирмоқда. **СОДИК АЛИЕВ**

Машгулотларга

МАҲОРАТ ЧЎҚҚИСИНИ ЗАБТ ЭТАЁТГАНЛАР

Разведка берган маълумотга кўра, шартли душман жойлашиб олган позиция маълум. Кўмондонлик пунктида вазият таҳлил қилиниб, посбонларга тегишли кўрсатма, буйруқлар берилди. Бунга кўра лейтенант Султон Ёқубов командирлик қилаётган гуруҳ қидирув ишларини амалга ошириши, қулай марраларга пистирмалар қўйиши, кузатув нуқталарини ташкил этиши лозим.

Баҳарилаётган бу машқнинг ўзига хос мураккабликлари бор. Посбонларда етарлича кўникмалар мавжуд. Масалан, шартнома бўйича хизмат қилдик сержант Самандар Санаевни олайлик. Ўз касбининг устаси бўлган бу ҳарбий 2002 йилда сержантлар тайёрлаш мактабин тугаллаган. Аникроги, сапёр мутахассислигига эга. Гуруҳ қидирув ишларини амалга ошираётганда шартли душман томонидан миналаштирилган майдонга дуч келинди. Шунда гуруҳ сапёрининг маҳорати туфайли жамоа қийин вазиятдан чиқиб кета олди.

Гранатомётчи посбон шартнома бўйича хизмат қилдик сержант Хуршид Йўлдошевнинг ҳам мазкур машгулотдаги саъй-ҳақатлари таҳсинга сазовор. Унга шартли душман асосий қўчларига, зирқли техникасига зарба бериб, гуруҳни қўллаб-қувватлаш вазифаси юкланди. Бу професионал посбон ўтган йил сержантлар тайёрлаш мактабин муваффақиятли тугатган. Хуллас, бу шунқор йигит жамоасининг олға ҳаракатланиши сари йўл очди. Таҳминан 1000 метрлар масофадаги нишонни — зирқли техни-

кани яқсон қилди. Кидирув ишлари амалга ошириляётганда посбонларимиз шартли душманни кўриб қолишди. Шартнома бўйича хизмат қилдик сержант, радиочеловек Шербой Нуралиев худлик билан бу ҳақда кўмондонлик пунктига хабар берди. Кузатув пунктидан рақия орқали янги маълумотлар олгач, уларни ҳам тезкорлик билан етказди.

Гуруҳ ичида бир-биримиз билан рақия орқали боғланамиз. Мабо-до алоқада муаммо туғилса, қўл ҳаракатлари ёрдамида жанговар топшириқларни баҳаришга киришамиз, — дея изоҳ беради у бу ҳақда ҳаяжон билан сўзларкан.

Гуруҳ жанговар вазифани баҳараяётганда шартли душман айғоқчиларига дуч келинди. Посбонларимиз дарҳол қулай марраларни эгаллашди. Ана шунда снайпернинг маҳорати иш берди. Бу ҳақда гап кетганда шартнома бўйича хизмат қилаётган кичик сержант Нарзулло Чориевни назарда тутяпмиз. У худлик билан ишончли маскировка қилиб олган снайпер шартли душман айғоқчиларини бартараф этди.

Жанговар машгулотни баҳараяётганда шартнома бўйича хизмат қилдик сержант Элбек Худойбердиев гуруҳни бошқаришига тўғри келди. Аҳир у гуруҳ командирининг ўринбосари. Пистирма қўйиш, блок-постлар, кузатув нуқталарини ташкил этиш борасида шахсий таркибга кўрсатмалар берди. Хуллас, ўзига юклатилган масъулиятни ишонч билан адо этиб, командирлик сифатларини намойён қилди.

— Жанговар-ўқув машгулотлари орқали анча кўникмалар ортиряпмиз. Айниқса, яқуний синов машгулотлари олдидан ўтказилган бу машқлар шахсий таркибининг ўқув йили давомида қанчалар малака, тажриба тўплаганини, яна нималарга эътибор беришимиз лозимлигини кўрсатди. — дейди лейтенант Султон Ёқубов.

Дарҳақиқат, маҳоратда гап кўп. Маҳорат эса кунлар, ойлар, йиллар давомида тўпланади. Бу чўққини забт этганларни эса профессионаллар деймиз. Бу сизга ҳижоя қилган жамоадаги посбонларини ҳам шу ном билан атаса арайди.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ

ВАТАНПАРВАР



Қасамёд — садоқат рамзи

ЮРАҚДА УЙҒОНАР ЙИГИТНИНГ КУЧИ

Қасамёд... Унинг замиридаги сўзлар шунчалар даъваткорки, киши унга қалб амри билан интилишга, итоат этишга ҳаракат қилади. Ҳарбий қасамёд тантанасини, унинг матнини ўқийётган посбонни кузатганмисиз? Бироз гурур, бироз ҳаяжонни кўргандек бўласиз, унда. Йигит кучи билагидадир, деган гап бор. Ҳарбий қасамёд йигитнинг юрагидаги кучни уйғотади. Бу куч уйғондими, унинг дамани на бир кескир қилич, на бир пўлат қалқон қайтара олади. Бу кучга қасамёд матни жасорат, матонат, садоқат туйғуларини уйғотади.

Курсант Иқбол Нишоннов 2000 йилда Президентимиз Фармонига кўра "Жасорат" медали билан тақдирланган. Бу офицер билан сўхбатлашиш учун госпиталга бордик. Сабаби, юртининг мард ўғлони мамлакатимиз сарҳадларига бостириб кирган бир гуруҳ террорчиларга қарши курашда матонат кўрсатиб, яраланганди. Аввало унга шундай савол бердим: "Сизни бундай мардликка, бундай жасоратга нима ундади?" "Ҳарбий қасамёда содиқлик. Демакки, халқимга, Президентимга садоқат. Аҳир, сергақ, жасур аскар бўлишга аждодларим руҳи олдида онт ичганман"

дея жавоб берди у. "Жасорат" медали соҳиби оддий аскар Баҳодир Хусанов билан ҳам учрашдик. Шундай хулосага келдикки, ҳарбий қасамёд уни садоқатга, мардликка ундаб тургандай. Тўғри, кўпчилик посбонларимиз қасамёдимга содиқ қолдим, дея баралла айтмайди. Лекин Ватани, халқи, Истиқлоли ҳимояси йўлида кўрсатган жасорати шундан сўзлаб туради. Посбонларимиз билан яқинлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари дийдорлашганда, тантаналарда учрашишдан кўпинча "Онаюртимизнинг азиз ҳимоячилари,



Камолиддин Тўраев олган суратлар.

Азал-азалдан йилларни кузатиш ва кутиб олиш каби яхши одатимиз бор. Чунки босиб ўтган йилларимиз тарихда қолдирган ўз ўрни ва қадри бор. Шу маънода айтадиган бўлсак, ўтган Обод маҳалла йили ҳар жиҳатдан унумли ва баракали бўлди. Йил давомида маҳалларимизни янада обод қилиш мақсадида кенг қўламдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўчаларозорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Юртимизда бўлгани каби она шахримиз Тошкентимиз маҳалларининг ҳам қиёфаси тубдан ўзгарди. Ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган янги гузарлар қад кўтарди, мавжудлари эса замонавий усулда қайта таъмирланди. Кўплаб маданий, маиший бинолар, спорт майдончалари, хиёбон ва бог-роғлар барпо этилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йилларимизни маҳалла муаммоларига бағишлаганимиз бу борада бошланган хайрли ишларимизни давом эттириш ва бошқа чала қолган юмушларимизни эса жойидан силжитиш учун ўзига хос туртки бўлди.

Янги йилларимизнинг Юртбошимиз ташаббуслари билан Меҳр-мурувват йили деб номланиши қалбларимизни ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлдирди. Юртимизда олиб борилаётган савобли ишлар, эзгу интилишларнинг барча-барчаси ширин сўзга ташна, саховатга муҳтож бўлган одамларга меҳрли, мурувватли бўлишдек инсоний фазилатлардан келиб чиқади. Президентимиз таъбири билан айтганда: «Меҳр ва мурувват деганда, биз аввало, жамиятимизда меҳр-шафқатга муҳтож бўлган ногиронлар ва етим-есирларга, бевабечораларга, боқувчиларидан жудо бўлган, ёлғиз яшаётган одамлар ва кексаларга гамхўрлик кўрсатишни тасаввур қиламиз. Меҳр ва мурувват деганда, биз шаҳар ёки кишлоқ бўладими, ёрдам ва кўмакка эҳтиёж сезадиган, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, турли сабабларга кўра ҳаётда омади келмаган, ўзини боқишга қийналаётган инсонларга моддий ва маънавий кўмак беришни назарда тутамиз».

Муस्ताқиллик ўзи билан жуда кўплаб кутлуғ аъноаларни бошлаб келди. Истиқлол тўғрисида йилларимиз бир-биридан мазмуни ва файзли кечмоқда. Биз дилдаги битмас-туганмас орузларимизни имкон қадар рўйбга чиқарган Обод маҳалла йили билан мамнун хайрлашдик ва улугвор, салобатли қадамлар билан кириб келган янги 2004 — Меҳр ва мурувват йилларини эса бағри кенглик билан кутиб олдик.

«Оқшом» газеталари жамоалари ҳам Янги йилни «Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўқин, турт мучамиз соғ бўлиб, ишларимиз бардоридан келсин, газетамиз ҳар йилдагидек ўз мухлисларининг доимий ҳамроҳи, дилкаш суҳбатдоши бўлиб қолсин», дея яхши тилаклар билан бошлади.

Йил бошиданок мухлисларимиздан Меҳр ва мурувват йили муносабати билан жуда кўплаб мактублар кела бошлади. Улар орасида турли жанрдаги мақолалар, шеърлар ва хикоятларни учратиш мумкин эди. Таҳририят илоҳи борица бу битиклардан фойдаланди, кўплари газета юзини кўрди.

«Оқшом»нинг 6 январь сони эса бошдан-оёқ Меҳр-мурувват йилига бағишланди.

— Юртбошимиз 2004 йилни Меҳр-мурувват йили деб эълон қилдилар. Бу хушхабар барча қатори мени ҳам тўлқинлантириб юборди, — деб ёзганди мухлисимиз Азиза Абдураҳимова. — Чунки ҳар қандай жамиятнинг пойдевори меҳр-оқибат аъноаларига асосланб қурилсагина, у мустақим ва умрбоқий бўлади. Назаримда инсонлар миллатидан, этникодидан қатъи назар бир-бирига меҳрибон, ҳурмат-иззатда бўлсалар бундай жамиятнинг келажаги албатта порлоқ бўлади.

Яна бир мухлисимиз Муаттар Ҳамроева дил изхорини шеърий сатрлар билан баён этганди.

**Меҳр — қўш, меҳр — ҳаво,  
Меҳр сувдай серобдир.  
Меҳрингни гар дариг тутсанг,  
Мурувват ҳам харобдир.  
Бу дунёга меҳр сабаб**

**Келдик, уни асрайлик.**

**Меҳр ҳамда мурувватла**

**Инсонни ардоқлайлик...**

**Меҳр ҳамда мурувватла**

**Ташла ҳар бир қадамнинг.**

**Меҳр билан мурувватга**

**Ҳамроҳ бўлсин ҳар даминг.**

Тошкентимиз қадим-қадимдан тинчлик ва дўстлик шаҳри деб ном олган. Бунинг ҳам ўзига яраша исботи бор. Сабаби, тинчликсевар халқларнинг жуда кўплаб анжуманлари шу ерда ўтганилиги айни ҳақиқат. Бунга мисол тариқасида 2004 йилнинг 16-17 июнь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотидея давлат раҳбарларининг навбатдаги мажлисини келтириб ўтишимизнинг ўзи қифоя. Бундай нуфузли учрашувлар биринчи навбатда мустақил Ўзбекистонимизнинг элларо нуфузи ва эътибори ошиб бораётганини кўрсатса, иккинчидан, халқларимиз ва мамлакатларимизнинг дўстона алоқалари бугунги кунда замон талабларига мос равишда шаклланиб бораётганидан далолат беради.

нинг кўнглимизни гулгун яшнатиб, юракларимизни тўлқинлантириб турибди. Ўтган қисқа муддат ичида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган оламшумул ишларни бугун санаб адоғига етиб бўлмайди, албатта. Биргина ободончилик йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг ўзи бунинг яққол мисоли бўла олади. Зеро, шу йўлдаги хайрли ишларнинг ўзи бир достонга татиғулик. Бугун шахримизнинг қайси гўшасига назар ташламанг, қай бурчагида бўлманг, кўзингиз яшил бойликлар оламидан яшнаб кетади. Бугун ораста кўчалар, сўлим оромгоҳлар, обод маҳаллалар, қўша-қўша юлдузли меҳмонхоналар, осмонўпар бинолар, замонавий, маҳобатли кўприклар, янги-янги бунёд этилаётган бозорлар нафақат бизни, балки бутун дунё аҳлини лол қолдираётгани ҳақиқат.

Чиндан ҳам юқоридеги мақолада қайд қилинганидек, кейинги пайтларда маҳаллалар ўрамини «яшил белбоғ» анча кенгайтирди. Пойтахтимизнинг дам олиш зоналарида майсазорлар пайдо бўлди.

Бу аъноа ҳозирда ҳам давом этмоқда. Шу билан бирга уй ва ҳовлиларимизни, уларга туташ кўча ва хиёбонларни, майдонларни ҳам кўчаларозорлаштириш, янги болгар, гулзорлар барпо этиш кундалик юмушимизга айланиб бормоқда. Кувончлиси шундаки, ушбу хайрли ишларда катнашгани пойтахт жамоатчилиги, маҳалла

оқсоқоллари ва фаоллари, аҳолиси ўзларининг инсоний бурчлари эканлигини ҳар доим ҳам ҳис этмоқдалар.

«Оқшом» газеталари ўз фаолиятида спортга, айниқса, болалар спортига ҳам кенг ўрин бериб келади. Хусусан, бу ҳақда гап борганда ўша йилнинг сентябрь ойида шахримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси ҳамда «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ҳамкорлигида ташкил этилган болалар ва ўсмирлар ўртасидаги Ўзбекистон Кубоги мусобақалари, Осиёда биринчи марта бадий гимнастика бўйича жаҳон Кубоги босқичи «Шарқ гўзали — 2004» турнирининг Тошкентда ўтказилиши, «Тошкент теннис маркази»да бўлиб ўтган теннис бўйича Осиё чемпионатининг кенг ёритилиши сўзимизнинг исботидир.

Хусусан, ўша йилнинг 13 июли Ватанимиз спорт тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Унинг беқиёс зафари барча шахмат мухлислари, спорт жамоатчилиги, бутун халқимизга катта қувонч ва ғурур-ифтихор бахш этди. «Оқшом» газеталари ўз саҳифаларида чемпион шаънига йўлланган кутловлар, табриклари жуда кўплаб ёритди.

2004 йил яна бир муҳим сиёсий воқеа билан бошқаларидан ажралиб туради. Шу йилнинг 26 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар ўтказилди. Икки палатали парламентга пойдевор қўйилаётган ушбу тарихий воқеа ўтган сайловлардан мутлақо фарқ қилиши билан фойда аҳамиятдир. Бу сайловлар республикамизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти сари ташланган дадил қадам, шу билан бирга, юртимизни обод қилиш, фуқароларнинг тўқин ҳаёт кечириши учун ҳар томонлама шарт-шароит яратиб бериш йўлидаги асосий босқичлардан бири бўлди десак янглишмаймиз.

Хикоямизни Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган қуйидаги гаплари билан яқунласак мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

«Бугун иқтисодиётимизнинг барқарор сурьатлар билан ривожланаётгани, халқимиз турмуш даражаси ортиб, мамлакатимизнинг халқро майдондаги обрў-эътибори тобора юксалиб бораётгани диёримизда яшаётган ҳар қайси инсонга мамнуният этказиши шубҳасиздир». Ўйлаймизки, бу сўзларга ҳеч қандай изоҳнинг ҳожати йўқ.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

*Чиллар саҳоси*

**«ОҚШОМ»НИНГ  
ЎТГАН КУНЛАРИ  
ЎТТИЗ ТЎҚҚИЗИНЧИ ҲИКОЯ**

Бекорга ҳам қарияларимиз дуога қўл очганларида дастлаб юртга тинчлик, омонлик тилашмайди. Бизнинг кундалик ҳаётимиз мезонига айланган бу тилак тағида ҳам чуқур маъно ётади. Аслини олганда инсонлардаги меҳруммурувватнинг қай даражада бисёрлиги ҳам кўп жиҳатдан мана шу тинчлик ва осийш-талиққа боғлиқ. «Оқшом» газеталарининг бу мавзуга тез-тез қайтишини ана шундан деб тушунмоқ керак. «Тинчлик — энг улугъ неъмат», «Хамиша ҳушёр ва огоҳ бўлайлик», «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч», «Ўз уйингни, ўз юртингни ўзинг асра» рунклари газетанинг асосий рунклари айланиб қолганлигининг ҳам боиси ана шунда.

Албатта бу мавзу ҳақида ҳар қанча ёзсанг оз. Чунки бугунги нотинч дунёда барибир тинчликпарвар кучларнинг қўлигини англаб етмоқ, ёш авлодни юртпарвар, тинч-ликпарвар қилиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

2004 йилги «Тошкент оқшоми» саҳифаларини бирма-бир кўздан кечира туриб баъзи мақолалардан кўнглимиз тўлди, баъзан эса ранжидик ҳам. Лекин ҳар икки томонни чамалаб кўрсак, тарафларнинг палласи ижобий томонга кўпроқ босди. Шунинг учун ўша йили газетамизни беэзаган яхши мақолалар ҳақида сўз юритишни маъқул кўрдик. Улар жумласига, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Қалбни буйруқ билан тўхтатиб бўлмас» мақоласи, «Инсон гўзалликсиз яшолмайди» сарлавҳаси остида босилган Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин. Воҳидовнинг муҳбиримиз билан бўлган суҳбати, Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг /марҳум/ «Бунчалар гўзалсан, азиз Ватаним», Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг «Уволи» мақолаларини кiritиш мумкин.

«Оқшом» газеталарининг яна бир доимий мавзуси бўлган шаҳар ободончилиги хусусидаги саҳифа материаллари ҳақида ҳам бир-икки оғиз сўз айтмай иложимиз йўқ. Сабаби, худди ўша йили газета «Тошкентим — боғубўстим» рунки остида жуда кўплаб мақолалар эълон қилганлигининг шўҳиди бўлдиқ. Улардан бири — «Ободлик кўнгиладан бошланади» сарлавҳали мақола шундай жумалар билан бошланади. «Ҳеч шубҳа йўқки, кейинги йилларда шахримиз қиёфаси тубдан ўзгарди кетди. Буни нафақат ўзимиз, хатто чет элликлар ҳам эътироф этмоқда. Бугун чиндан ҳам ўхшаш йўқ бу бўстон — Ўзбекистон ичра гулдек яшанаётган азим пойтахт Тошкент таърифини қандай келтиришга тил ожиз. Чунки Истиқлол шарофати ила қилинаётган ободончиликлар, янгилиниш ва яришишлар ҳар биримиз-

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўртаниб**  
**доно бўлур...**

● Саҳий ва олжаноб кишилар билан суҳбатдош бўлмоқ кишини ёқимли феъл ва чиройли хислатларга рағбат қилади. Ёмон феълли ва фасод табиатли кишилар билан бўлган суҳбат эса ёқимсиз сифат ва қабиҳ иллатларга етаклайди. Ёмонлар билан яхшилар орасидаги суҳбат таъсири худди шамол қабиридир. Шамол ёмон жойдан ўтиб қолса, бадбўй хидларни бошлаб келади. Агар ширин хидли жойлардан ўтса, муаттар исларни келтиради.

**Байт:**  
**Ҳар кимнинг бор экан танида жони, Ким билан сўзлашса, бўлар таъсири. Ёмонлик бўлмаса кишининг афъоли, Доим яхши билан хуш суҳбат қураб.**

● Оғирчилик ва гамгинликда қурилган оқил суҳбати базм ва ишратда ўтказилган жоҳил суҳбатидан афзалдир.

**Суҳбат учун топсанг доно кишини, Ёмонларни яқин йўлатма зинҳор. Дилга ёққан фақир доно суҳбати, Нодон бойдан кўра яхшидир минг бор!**

● Ота-онага нисбатан ҳурмат ва муҳаббат, ҳеч шубҳасиз, муқаддас туйғудир.

● Ота ва она! Бу муқаддас номлар олдида барча мадҳиялар ҳеч нарса эмас, барча баландларвоз мактовлар ўғиллик муҳаббати ва миннатдорчилиги олдида пуч ва арзимасдир.

● Ота-онага муҳаббат — барча яхши фазилатларнинг асоси.

● Сиз ота-онанинг билан қандай муомалада бўлсангиз болаларингиз ҳам сиз билан шундай муомала қилишини ёдда тутинг.

«Ат-тарбия» китобида шундай дейилади: «Эй зукко болам! Агар ота-онанг сени тарбия қилиб воёга етказишда чеккан машаққатларини ўйласанг, уларнинг улугъ фазилатларини билиб оласан. Онанг сенга ҳомила бўлиб, туғиб, сийнасида сўт бериб, гамхўрлик қилди. Отанг эса сизлардан меҳрини даригъ тутмади. Ота ҳам, она ҳам сен азоблансанг азобланадиган, азият чексанг азият чекади. Хуллас сенга келган барча нарсаларга қалқон бўлди. Хатто емай, ичмай бўлса ҳам сенга мол тўплайди, ўқитсан, илми қилсан дейди. Мана шуларнинг барчаси учун сен уларни яхши қуришинг, ҳурмат қилишинг, уларга итоат этишинг, доимо уларга юмшоқ муомалада бўлишинг, овозингни кўтармай гапиришинг лозим. Ояти қаримда: «Ота-онанга уф дема, уларнинг сўзини қайтарма, уларга гўзал сўзла» дейилади.

Хадисда эса: «Жаннат оналарнинг оёғи остидадир», «Ота-оналарингизга яхшиликлар қилинг, болаларингиздан қайтади», дейилади. Ота-онанинг розилиги умри зийда қилур.

Ким ота-онага кулоқ солмаса, боласи ҳам унга кулоқсиз бўлади. Сен ҳам, молинг ҳам отангники ҳисобланади — шунинг ҳисобига бўлиб қўй.

**Байт:**  
**Бошни фидо айла ато қошига, Жисмини қил садқа оно бошига.**



Саховат

## МЕХР ҚОЛУР — ОҚИБАТ ҚОЛУР

Азал-азалдан меҳрга ташна, кўнгли ўқик инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг оғирини енгил қилиш халқимизга хос одат. Зеро, энг азиз — энг буюк неъмат — Истиқлолга юз тутганимиздан кейин ҳукуматимиз томонидан ижтимоий ғимояни янада мустаҳкамлаш, ёрдамга муҳтожларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш борасида ўзига хос ислохотлар амалга оширилаётганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Меҳрли савдо» шўба корхонаси ижтимоий ғимояга муҳтожлар ҳолидан хабар олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шуниси эътиборлики, ушбу шўба корхона шахримиздаги махсус мактаб-интернатлар, болалар ўйлари тарбияланувчиларига доимо моддий-маънавий кўмак бериб келади.

— Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак, — дейди биз билан суҳбатда шўба корхона директори Нурилла Ғиёсов. — Айни кутлуг Рамазон ойида эса саховатга ташна инсонларга ёрдам беришни мақсад қилиб олгандик. Шу боис ҳам бугун Йўлдош Оқунбоев номидаги кўзи оқизлар мактаб-интернатида баҳоли қудрат кўмак кўрсатяпмиз.

Дарҳақиқат, мазкур мактаб-интернати тарбиячиларию, тарбияланувчиларининг ушбу хайрли ташрифдан бошлари кўкка етди. Мазкур илм маскани директори Шахира Ирматованинг дил сўзларига қулоқ тутиб кўринг-а, азиз газетхон.

«Меҳрли савдо» шўба корхонасининг бугунги кутлуг кунларда мактаб-интернатимизга саховат кўрсатганидан беҳад шод бўлдик, — дейди Шахира опа қувонч билан. — Биласиз, ўқув масканимизда таҳсил олувчилар алоҳида эътиборга муҳтож. Шуниси юрак-юракдан хис қилган «Меҳрли савдо» шўба корхонаси вакиллари тарбияланувчилар учун ўйинчоқлар, педагогик жиҳозлар, кичини гилам, чинни идишлар тўхта этишди. Шу куни, Нурилла Ғиёсов тарбияланув-

чиларни кириб келаётган муборак Рамазон ҳайити билан кутлади. «Меҳрли савдо» шўба корхонаси директори ўринбосари Аида Чеканова эса тadbир катнашчиларига самимий тилаklarини изҳор этар экан, бундан буён мазкур илм масканига мунтазам равишда моддий-маънавий ёрдам кўрсатилишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Мактаб-интернат директори Шахира Ирматова, директор ўринбосари Насиба Алимовалар тарбияланувчилар номидан шўба корхонаси вакиллариға миннатдорчилик изҳор этишди.

Халқимизда, «Меҳр кўрсат — меҳр кўргайсан» деган ҳикматли ибора бор. Ана шу нақлга амал қилган «Меҳрли савдо» шўба корхонаси ходимларини саховатга ташна қалблар деб атагимиз келди. Зеро, бу оламда эзгу ишдан, савобли амалдан яхшироқ яна нима бор аслида?

Хайрия тadbиридан шодон ҳолда қайтар эканмиз, Сохибқирон Амир Темур бобомизнинг узуклари муҳрига ўйиб ёзилган «Эзгулик мисоли бир ёғду. Ул нур забт этган қалб доимо хиликка интилади» ибораси ёдимизга келди. Орамизда меҳрли инсонлар сафи кўпаяверсин, деган ниёт ила мақолага нукта қўйдик.

**Ақбар Йўлдошев**  
СУРАТЛАРДА: хайрия тadbиридан лавҳалар.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

## ЛАТЖИРАЛАР

— Мен сенга ўхшаган хасис билан яшагим келмаяпти, мана никоҳ узунгинг, ол!

— Кутчаси қани?

\*\*\*

Ўйинчоқлар дўконида харидор кўғирчоқ Барбини қизига сотиб олиш учун қизикаяпти.

Сотувчи:

— Мана бу Барби боссейнда — 18 доллар туради.

— Буниси Барби колледжа — 18 доллар туради.

— Мана буниси турмушдан ажрашган Барби — 190 доллар туради.

— Ие, бу қанақаси?

— Ажрашган Барбининг комплектига кўғирчоқ Кеннинг машинаси, ўйи ва вертолётни ҳам қиради.

\*\*\*

Кўшниллар суҳбатидан:

— Қўшни, сигирингиз папирос чекадими?

— Унда молхонангиз нега тутаяпти?

\*\*\*

Кичкина Валижон Қорбобога хат ёзмакда.

— Салом Қорбобо, илтимос, менга янги йил байрамида этикча, камзул ва қўлқоп совға қилинг, менинг ота-онам йўқ, деб хатни почтага ташлаб келди.

Хатнинг устида манзил ёзилмаганилиги учун почта ходимлари уни ўқиб, рағимлари келганидан йиғилишиб, этикча ва камзул сотиб олишиб Валижонга жўнатишибди.

Икки кундан сўнг почтада яна Валижондан хат.

— Хурматли Қорбобо, сенга катта раҳмат. Юборган этикча ва камзулни олдим, лекин қўлқопни почта ходимлари ўғирлаб қолишган бўлса керак!

\*\*\*

Ўқитувчи:

— Қани айтинг-чи, тиш ости сўлак безининг чиқарув тешиги нима деб айтилади?

Орқа қатордан кимдир: «Саливали, саливали» деб шипшиди.

Талаба:

— Трали вали, домлажон!

\*\*\*

Бир куни талаба Анқовбой Довдиров доскага чиқди. Ўқитувчи унга савоб берди:

—Агар биз гўдакларга очик чехра билан муомала қилсак, уларда қандай реакцияни кузатиш мумкин?

Орқа томондан «Кулади дегин, кулади» деган овоз келди. Анқовбой ўйлаб ҳам ўтирмай,

—Албатта ўлади,— деди.

\*\*\*

Ўқитувчи:

— Клиник ўлим қанақа бўлади?

Талаба:

— Клиникада содир бўлган ўлим клиник ўлим дейилади, домлажон.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси хузуридаги «РОУТАХТ АUKSIION» давлат унитар корхонаси 2005 йилнинг 1,4,8,11,15,18,22,25,29 ноябрь ва 2,6,9,13,16,20,23,27,30 декабрь кунлари ўтказиладиган Кимовиди савдоларга тақлиф этади!

Савдоларга қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шарофобод кўчаси, 5-ўйда жойлашган Ш.Рашидов номидаги Халқаро жамғармининг:

-1991й. и/ч, д/р 10AX 444 бўлган УАЗ 3303 русумли а/в. Бошланғич нархи 1 709 676 сўм;

-1998й. и/ч, д/р 10AR 647 бўлган Нексия GLE русумли а/в. Бошланғич нархи 4 733 004 сўм;

-1999й. и/ч, д/р 10AE 010 бўлган Нексия GLE BO русумли а/в. Бошланғич нархи 5 967 701 сўм;

-2004й. и/ч, д/р 10AZ 209 бўлган Нексия GLE BO русумли а/в. Бошланғич нархи 8 165 408 сўм;

Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 95-ўйда жойлашган Юнусобод тумани Давлат солиқ бошқармасининг 1992й. и/ч, д/р 10AZ 946 бўлган «ГАЗ-330730» русумли а/в. Бошланғич нархи 1 696 687 сўм.

Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 4-ўйда жойлашган Ҳамза тумани Давлат солиқ бошқармасининг 1993й. и/ч, д/р 10AZ 264 бўлган «РАФ-2203» русумли а/в. Бошланғич нархи 1 481 511 сўм.

Ҳамза тумани, Элбек кўчаси, 61-ўйда жойлашган «ТАПОиЧ» ДАЖнинг 1989й. и/ч, д/р 10AZ 040 бўлган ГАЗ 5312 русумли а/в. Бошланғич нархи 1 919 600 сўм.

Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-ўйда жойлашган «O збекингилсапоат» ДАК Ишлар бошқармасининг 1995й. и/ч, д/р 10AK 210 бўлган ГАЗ 31029 русумли а/в. Бошланғич нархи 1 666 000 сўм; 1993й. и/ч, д/р 10AK 637 бўлган ГАЗ 31029 русумли а/в. Бошланғич нархи 1 077 953 сўм.

Шунингдек, савдоларга қуйидаги бино ва иншоотлар қўйилади:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қўшбеги кўчаси, 6-ўйда жойлашган бекат мажмуаси қўйилади. Бошланғич нархи 6 065 116 сўм;

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК Тошкент фуқаро иншоотлари ва сув таъминоти дистанциясига қарашли Миробод тумани, А.Фитрат кўчаси, 33/1-ўйда жойлашган бинонинг сатхи 116 кв.м.га тенг бўлган қисми. Бошланғич нархи 4 714 300 сўм.

Савдода катнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Катнашувчилар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдорда закалат пулини «РОУТАХТ АUKSIION» ДУК АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 х/р тўлайдилар. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16 «А» ўйда ўтказилади. Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

## Кўргазмалар

### КУБОК УЧУН БАҲС ЮРИТИШДИ

Шаҳримиздаги «Пахтакор-теннис» теннис клубида Республика хизмат итларини тайёрлаш клуби, Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанлар» ташкилоти Марказий Кенгаши ҳамда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамкорлигида барча зотдаги итларнинг «Ўзбекистон Кубоги — 2005» халқаро сертификат кўргазмаси бўлиб ўтди.

Россия ва қозоғистонлик тажрибали эксперт-ҳакамлар иштирокчилар маҳоратини баҳолаб борган ва фолибларни аниқлашга ҳисса қўшган ушбу кўргазма-мусобақада Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти, Фарғона, Самарқанд вилоятлари ҳамда Россиянинг Новосибирск шаҳридан келтирилган зотдор итлар экспертизадан ўтказилди. Мусобақа доирасида «Жуфтликлар танлови», «Тайёрловчилар танлови», кучук болалари ўртасида «Бест ин шоу» ва бошқа кўплаб танловлар ташкил этилди.

Нихоят Р.Фаниев бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати 35 хил зотдаги итлар иштирок этган кўргазма фолиб ва совриндорларини аниқлашди. Фолиблар орасида мураббий ҳамшаҳарларимиз кўпчиликини ташкил этишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан «Бест ин шоу» танловида кучукчалар ўртасида Р.Фаниевга тегишли «Атос» лақабли сенбернар зотли ит, фахрийлар кўригида П.Набоковга қарашли «Глауретт Ит'с Май Лав» лақабли колли, ёш кучуклар орасида И.Любарчукнинг «Рупом Пинк» лақабли кичик немис шпици, очик классдаги итлар ўртасида Турсунонинг «Жонни» лақабли Йоркшир теръери ва ниҳоят шу тоифадаги ёш кучуклар ўртасида яна бир тошкентлик Р.Султоновнинг «Шерхон» лақабли ити «Ўзбекистон Кубоги — 2005» сертификатли кўргазма фолиблари сафини бошқаришди.

Фолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан ажратилган махсус совғалар, дипломлар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: кўргазма фолибларидан бири Равшан Султонов (Тошкент) туркман зотли «Шерхон» лақабли ити билан.



**Спорт**

**ЖУРНАЛИСТЛАР ТЎП СУРАДИ**

Бугун юртимизда яна бир кизикарли футбол турнири бошланади. Чарм тўп мухлислари бу гал яшил майдонда спортни, айниқса футболни доимо ёритиб борувчи журналистлар маҳоратидан баҳраманд бўладилар.

Гап шундаки, «Спорт» ва «Ўзбекистон футбол» газетаси тахририяти «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган соғлом турмуш тарзи ва саломатлики тарғиб қилиш мақсадида журналистлар ўртасида ўзбек футболининг фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган мини-футбол бўйича турнир ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Икки оғиз О.Аkbаров ҳаёти ҳақида тўхталадиган бўлсак, у аввал оддий ишчи, сўнг футболчи ва мураббий сифатида жонқурлик билан фаолият кўрсатди. Сўнг жамоатчилик асосида ёшларга футбол сирларини ўргатди.

Бугун бошланаётган Олимжон Акбаров хотира турнири 7 ноябрга қадар давом этади. Унда газета, журнал, телевидение ва радио тахририятларида фаолият кўрсатаётган журналистлардан тузилган жамоалар галаба учун кураш олиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир жиддий мусобақада бўлгани каби хотира турнири олдида ҳам қуръа ташлаш маросими ўтказилди. Қуръа натижаларига қўра ўн тўрт жамоа — «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Туркистон», «Маърифат», «Ўзбекистон футбол», «Қишлоқ ҳаёти», «Садо», «Ватанпарвар», «Моҳият», «Хонадон» газеталари, «Ёш куч» журнали /«Янги аср авлоди» нашриёти/, телевидениенинг «Спорт» канали, «Наврўз» FM радиоси, телевидениенинг «Ахборот» дастури командалари тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро куч синашади.

Мусобақа Низомига қўра биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган жамоаларга диплом ва пул мукофотлари топширилса, ҳар бир чизик бўйича энг яхши ўйинчилар учун аталган совринлар ҳам бор. Ўйлаيمизки, «Энг ёш ўйинчи», «Энг фахрий ўйинчи», «Энг яхши ўйинчи», «Энг моҳир тўпурар», «Энг чиройли гол учун» мукофотлари ҳам ўз эгасини топади.

(Ўз мухбиримиз)

**Футбол**

**МАҲОРАТ ИШ БЕРДИ**

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 22-туридаги «Пахтакор» - «Машъал» учрашуви мухлисларда катта таассурот қолдирди.

Таъкидлаш лозимки, ушбу баҳс тошкентлик футболчилар учун муҳим аҳамият касб этарди. Чунки агар «Пахтакор» галабага эришса муддатидан аввал чемпионликини кўлга киритар эди. Лекин, ўзбек футболининг юлдузи Миржалол Қосимов тўп сураётган «Машъал» жамоасига ҳам галаба сув билан ҳаводек зарур эди. Чунки муборакликлар ҳам турнир жадвалининг иккинчи погонасини забт этиб туришибди. Шу боисми, мутахассислару мухлислар учрашувнинг мурасасиз кечилишини тахмин қилишган-

ди. Дарҳақиқат, ҳар икки жамоа шу кунги мухлисларга тезкор, комбинацион, ҳужумкор ўйин намойиш этишди. Шу ўринда Миржалол Қосимовнинг жамоадошларига чиройли тўп узатишлари олтихасида пахтакорчилар дарвозаси ладидида кўп марта хавфли вазиятлар содир этилганини таъкидлаш жоиз. Кизиги шундаки, мухлисларнинг дарвозага гол киритилишини 73 дақиқа кутишларига тўғри келди. «Пахтакор»нинг иктидорли ёш футболчиси Илҳом Сууюнов томонидан анча узоқ масофадан меҳмонлар дар-

возасига йўлланган зарба гол билан якунланди. Орадан бир дақиқа ўтгач эса Қосимов томонидан уштирилган чиройли комбинацияни ҳимоячилар қойдан бузиб тўхтатиб қолишди. Ун бир метрлик жарима тўпини Мирхолдишоёв аниқ амалга оширди. Ушбу тўп муборакликларнинг кайфиятини кўтариб юборди чоғи, орадан икки дақиқа ўтгач, жамоадошлари, аниги, Миржалол Қосимов бошлаган ҳужумни Жасур Ҳасанов қойилмақом тарзда ниҳоясига етказди. «Пахтакор» дарвозаси яна ишгол этилди. Ҳар икки жамоа ҳисобни ўзгартириш мақсадида қанчалик ҳаракат қилмасин, бунинг иложи бўлмади. Кизикарли, шиддатли кечган учрашув 2:1 ҳисобида «Машъал» жамоаси галабаси билан якунланди.

Анвар ВАЛИЕВ

Кунги кеча Киночилар уйида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, «Соғлом авлод учун» халқ-ро хайрия жамғармаси, Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ҳамкорликларидида «Дўстлик ирмоқлари» мусиқий кечаси ўтказилди.

**Саҳна**

**ДЎСТЛИК ИРМОҚЛАРИ**

— Ёшларнинг маънавий етук, баркамол тарзда вояга етиши учун ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий ва қардош халқларнинг урф-одатлари-га, санъатига йўғрилган мана шунга ўхшаш тадбирларни аънавий равишда ҳар йили ўтказиб келмоқдамиз, — таъкидлаб ўтди «Соғлом авлод учун» халқ-ро хайрия жамғармасининг ташкилий бўлим бошлиғи Ширин Рустамбекова. — Ҳамкорларимиз билан режалаштирган ишларимиз жуда кўп. Бунинг учун эса тинимсиз изланишимиз ва меҳнат қилишимиз даркор.

Тадбир давомида ташкилотчилар томонидан энг фаол, ёш иштирокчиларга «Дунё халқлари маданияти» халқаро уюшмасининг фахрий дипломлари ҳамда Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси номидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Утган вақт давомида кўп ташкилий масалаларни ҳал этишга тўғри келди, — деди мазкур лойиҳа муаллифи Станислав

Мансуров-Ковригенко. — Бугунги кунда «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан истеъдодли ёшларни рағбатлантириш ва хорижий давлатларнинг урф-одатлари халқимизга таништириш йўлида саъй-ҳаракатлар олиб бормоқдамиз. Меҳнатимизнинг меваси ўз натижаларини бермоқда. Қобилиятли ёшларимизнинг ҳам интилишлари зов кетмаепти. Чунончи, Жанна Ким бир нечта республика танловларида фолибликни кўлга киритди...

Кеча сўнгиди Талибжон Содидов номидида маданият уйи жамоаси томонидан тайёрланган мусиқий дастур намойиш этилди. Ўзбек мумтоз мусиқаси, «Ошиқ аскар» қўшиғи, татар бошқирдинча рақс томошабинларга манзур бўлиб, тадбирга ҳам ўзгача шухуҳ ва кайфият баҳшида этди.

**Ўқутхон СУЛАЙМОНОВА,**  
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг биринчи босқич талабаси.

**Мунажжим башорати**

**КУНИНГИЗ ОЙГА ТАТИЙДИ**

2 НОЯБРЬ, ЧОРШАНА

Бугун янги ой бошланган кун. Аини пайтда Рамазон ойининг сўнги кун, Рўза ҳайитининг арафаси. Бугун яна мушкуллар осон бўлиб, ҳамма чигаллар ечиладиган чоршаба кун ҳам. Шунинг учун ҳам мунажжимлар бугун ўзингизни қандай ҳис қилсангиз, шу кайфият ва саломатлигингиз бугун ой давомида шундай сақланиб қолишини таъбир қилишган. Шунинг учун кайфиятни хуш қилиб, улуг айёмга муносиб тайёргарлик кўришингизга ишонамиз ва бугун ой давомида сизни яхши кайфият, омад ва саломатлик тарк этмайди.

Янги ойнинг дастлабки соатларида ўзингизни кўп уринтирмай, кўнглингизга ўтирмаган ишни қилманг. Миангизда чарх урувчи фикрларга ҳам эрк берманг. Чунки ҳозир бирон кишига нисбатан ичингизда ўйлаган ёки айтган салбий маънодаги сўзларингиз ўзингизга қайтиб келиши мумкин.

Тушингизда осмонни, юлдузлар ва камал раңглари ни кўришингиз — яхшиликка. Тушда эшикни очиш — ҳаётингизда янги давр бошланишига ишора.

Ўзингизни чарчатмасликка ҳаракат қилинг. Чунки танангиз анча заифлашган ҳолатда бўлади. Аллергия хасталиги ўзини намоеън этиши мумкин.

Кийим-кечаклардан ҳаворанг ва сариқ-олтинрангли либослар омадли ҳисоблана-

ди. Жигарранг ва қора рангли кийимларингизни четроққа суриб қўя туринг.

**БУГУН:**

— бирон-бир эзгу ишни бошлаш (ҳар қандай яхши иш омадли бўлади);

— ўз вазифаларингиз ва бурчларингизни ҳалол адо этиш;

— диққат-эътибор ва аниқликни талаб қиладиган ишлар билан машғул бўлиш;

— ташаббус кўрсатиш, чунончи, бирон кишига ўз ёрдамингизни таклиф этишингиз;

— саломатлигингиз хусусида қайғуриб, ёмон одатларингизни тарк этиш ва янги парҳезни бошлашга уриниб кўриш;

— Сизга салбий таъсир ўтказиши мумкин бўлган кишилар билан ҳамсуҳбат бўлишдан ўзингизни олиб қочинг.

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

**Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, куйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

2005 йил 1-10 ноябрдан бошлаб

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКАНБОЙ ЭҒАМБЕРДИЕВ НОМИЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ**

**КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ «ШАРҚ МАШЪАЛЛАРИ»**

Катта халқаро байрам дастури Дастурдан:

ўргатилган кучукчалар, маймунчалар, каптарлар билан фантазиялар, илон ўргатувчи бугма илон билан, Чавандоз йигитлар ва бошқа кўплаб иштирокчилар ҳамда кизикарли томошалар ўрин олган.

**ТОМОША ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГИ!!!**

Томошалар: шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади.

Чинтаалар цирк кассаларида ва туман кассиралари томонидан сотилади.

Ҳақ ҳар хил шаклда тўлалиши мумкин.

Касса эрталаб соат 9.00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2495 нусxada босилади. Қўзғо бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бонказрасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбос акциядорлик компанияси босмоқдониси. Қорхона манзили: «Буюк Тўро» кўчаси, 41-уй.